

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ
БУХОРО ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ ИНСТИТУТИ**

ҲАСАНОВ УЛУҒ ИБРОҲИМОВИЧ

**ТУПРОҚЧУҚУРЛАТКИЧЛИ ПЛУГНИНГ ИШ ЖАРАЁНИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ҚАРШИ – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Ҳасанов Улуғ Иброҳимович

Тупроқчуқурлаткичли плугнинг иш жараёнини такомиллаштириш ва
параметрларини асослаш 3

Ҳасанов Улуғ Иброҳимович

Усовершенствование процесса работы почвоуглубительного плуга и
обоснование его параметров 21

Khasanov Ulug Ibroximovich

Improving the working process and substantiation
of the parameters of the soil-deepener..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ
БУХОРО ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ ИНСТИТУТИ**

ҲАСАНОВ УЛУҒ ИБРОҲИМОВИЧ

**ТУПРОҚЧУҚУРЛАТКИЧЛИ ПЛУГНИНГ ИШ ЖАРАЁНИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ҚАРШИ – 2022

Техника фаилари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/T2206 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.qmii.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тўхтақўшев Абдусалим техника фаилари доктори, профессор
Расмий оponentлар:	Равшанов Ҳамрокул Амиркулович техника фаилари доктори, доцент Ғайбуллаев Бурхонжон Шерматжонович техника фаилари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	«ВМКВ-Agromash» АЖ

Диссертация ҳимояси Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD 03/30 06 2020 Т 111 02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «25» Март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил 180100, Қарши, Мустақиллик кўчаси, 225-уй. Тел 221-09-23, факс 224-13-95, E-mail qmii@qmii.uz, kief.info@edu.uz)

Диссертация билан Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил 180100, Қарши, Мустақиллик кўчаси, 225-уй. Тел 221-09-23, факс 224-13-95, E-mail qmii@qmii.uz, kief.info@edu.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «18» Март куни тарқатилди (2022 йил «12» Март даги № 10 рақамли реестр баённомаси).



Ф.М.Маматов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Д.Ш.Чуинов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

З.Л.Батиров

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда янги қишлоқ хўжалиги техникалари ва технологияларини яратиш ҳамда мавжуд машиналарни такомиллаштиришда энергия ва ресурстежамкорлик энг муҳим масала ҳисобланади. «Дунё микёсида турли қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини етиштириш учун ҳар йили 1,8 миллиард гектардан ортиқ майдонга ишлов берилишини»¹ ҳисобга олсак, иш сифати ва унуми юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор тупроққа ишлов берадиган машина ва қурилмаларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Шу жиҳатдан шудгорлаш билан бир вақтда ҳайдов ости қатламини юмшатиб кетадиган плугларни ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда ривожланган хорижий давлатларда, жумладан АҚШ, Германия, Голландия, Англия, Италия, Россия Федерацияси, Белоруссия, Украина ва бошқа давлатларда маълум ютуқларга эришилган².

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириладиган далаларни шудгорлаш билан бир вақтнинг ўзида ҳайдов ости қатламини юмшатиб кетадиган плугларнинг янги илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, қишлоқ хўжалиги экинларидан бўшаган ерларни шудгорлаш билан бир вақтнинг ўзида ҳайдов ости қатламини юмшатадиган, иш сифати ва унуми юқори, энергия-ресурстежамкор, технологик жараёни такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плугларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислохотлар, чуқур таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олишнинг истиқболли агротехнологияларини яратиш, уларни модернизация қилиш, қўл меҳнати ва ресурсларни тежаш, тупроқ унумдорлигини сақлайдиган ва иш сифатини таъминлайдиган техника воситаларини жорий этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига доир Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, иш унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш»³ назарда тутилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда иш жараёни такомиллаштирилган

¹ http://evdemosfera.narod.ru/issl/issl/ek_zemlia.html

² www.agroru.com/blog/novinki_agromislenogo_kompleksa

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

тупроқчуқурлаткичли плугларни ишлаб чиқиш ҳисобига ерларни сифатли шудгорлаш ва энергияресурстежамкорликни таъминлаш катта аҳамиятга эга.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сонли «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тупроққа асосий ишлов беришда қўлланиладиган машиналарни яратиш ва қўллаш, уларнинг иш кўрсаткичларини ўрганиш ва параметрларини асослаш, шунингдек тупроқчуқурлаткичли плугларнинг ишчи органларини тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларини тадқиқ этиш бўйича хорижда К.Агауа, К.Кawanishi, L.Martinovic, С.С.Калаев, Л.Х.Чибирова, А.Б.Туаевлар, В.П.Егоров, И.И.Максимов, В.И.Максимов, В.Иванович, И.Б.Борисенко, А.С.Овчинников, Ю.Н.Плескачев, А.Е.Доценко, В.Н.Кияев, Ю.В.Махнов, И.С.Мухаметшин, П.И.Макаров, А.Р.Валиев ва бошқалар томонидан тадқиқотлар ўтказилган.

Ушбу йўналишда республикамизда М.Муродов, Р.И.Байметов, В.А.Сергиенко, Ф.М.Маматов, А.Тўхтақўзиев, И.Т.Эргашев, Р.Ибрагимов, М.Мирахматов, О.Р.Кенжаев, Н.С.Бибутов, А.К.Игамбердиев, Х.Р.Гаффаров, Н.М.Муродов, Ш.М.Муродов, Р.А.Абдурахмонов, А.А.Насритдинов, Х.Турғунов, Ф.Ў.Жўраев ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бу тадқиқотлар асосида яратилган машина ва қурилмалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Аммо, бу тадқиқотларда иш жараёни такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плугнинг кам энергия сарфлаб талаб даражасидаги иш сифатини таъминлайдиган параметрларини асослаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институтининг илмий-тадқиқот

ишлари режаси асосида ҳамда ЁҚХ-Атех-2018-187 “Тупроққа асосий ишлов беришда плуглар учун такомиллашган чуқурюмшатгич параметрларини асослаш” (2018-2019 йй.) мавзусидаги ёш олимлар амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади технологик жараёни такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плуг конструкциясини ишлаб чиқиш ва унинг кам энергия сарфлаб талаб даражасидаги иш сифатини таъминлайдиган параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тупроққа асосий ишлов беришда қўлланиладиган техника воситалари ва бу борада олиб борилган тадқиқот ишларини таҳлил этиш;

тупроққа асосий ишлов бериш даврида унинг физик-механик хоссаларини ўрганиш;

такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плугнинг конструктив схемасини ишлаб чиқиш;

такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плугнинг параметрларини асослаш бўйича назарий ва тажриба тадқиқотларини олиб бориш;

такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плугнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида шудгорлаш билан бир вақтда хайдов ости қатламини юмшатишнинг такомиллаштирилган технологияси ва уни амалга оширадиган тупроқчуқурлаткичли плуг олинган.

Тадқиқотнинг предмети такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плуг иш органларининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнлари ва уларни ифодаловчи математик моделлар, аналитик ифодалар ҳамда плугнинг агротехник, энергетик кўрсаткичларини иш органларининг параметрлари ва агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Назарий тадқиқотлар назарий механика ва математик таҳлил асосида, экспериментал тадқиқотлар эса мавжуд меъёрий ҳужжатларда (ГОСТ 20915-11, O'z DSt 3193:2017, O'z DSt 3355:2018) белгиланган усуллардан фойдаланиб ҳамда кўп омилли экспериментларни математик режалаштириш усуллари қўлланиб ўтказилди.

Тажриба тадқиқотларида олинган маълумотларга математик статистика асосида ишлов берилди. Бажарилган ишнинг иқтисодий самарадорлиги РД Уз 63.03-98 «Испытания сельскохозяйственной техники. Методы расчета экономической эффективности испытываемой сельскохозяйственной техники» бўйича аниқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ғилдирак изи ва плуг товонини юмшатувчи исканасимон тупроқчуқурлаткичлар билан жиҳозланган плугнинг конструктив схемаси талаб даражасидаги иш сифати кам энергия сарфланган ҳолда таъминланиши ҳисобга олиниб ишлаб чиқилган ва технологик иш жараёни асосланган;

такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плугнинг параметрлари тупроқ хоссалари, унинг уваланиш даражаси белгиланган меъёрдан кам

бўлмаслиги ҳамда плуг ва иш органларининг тортишга қаршилиги минимал бўлишини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

исканасимон тупроқчуқурлаткичнинг тиғидан осиш қурилмасининг пастки тақиш нуқталаригача бўлган тик масофа унинг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор ҳаракатланиши таъминланиши ҳисобга олинган ҳолда асосланган;

такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плугнинг мақбул параметрлари унинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларига уларнинг таъсирини баҳоловчи регрессия тенгламаларини биргаликда ечиш орқали аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иш жараёни такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плуг ишлаб чиқилган ва унинг талаб даражасидаги иш сифатини кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлайдиган параметрлари асосланган.

ишлаб чиқилган тупроқчуқурлаткичли плуг қўлланилганда энергия ва ресурс сарфлари камайиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларини ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усуллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, иш жараёни такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плугнинг параметрларини назарий жиҳатдан асослашда олий математика, назарий механиканинг асосий қоида ва усулларига амал қилинганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика усуллари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган тупроқчуқурлаткичли плуг дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғилдиракли ҳайдов тракторлари билан агрегатланадиган такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плуг ишлаб чиқилганлиги ва унинг кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги иш сифатини таъминловчи параметрлари асосланганлиги ҳамда олинган математик моделлар ва аналитик боғланишлардан бошқа шунга ўхшаш иш органларининг параметрларини асослашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Олинган натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тупроқчуқурлаткичли плуг қўлланилганда ёнилғи ва моддий харажатлар ҳамда меҳнат сарфи камайиши ва иш унуми ошиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Такимиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плуг параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плугнинг техник ечимига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган («Чуқурлатгичи такомиллаштирилган икки ярусли плуг», FAP 01595 - 2021 й). Натижада, шудгорлаш билан бирга ҳайдов ости

қатламининг юмшатишда иш сифати ва унумини ошириш ҳамда энергия-материалҳажмдорликни камайтириш имкониятига эга бўлган такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плугнинг конструкциясини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

ишлаб чиқилган такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плугнинг тажриба нусхаси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг тажриба участкасида ҳамда Бухоро вилоятининг Вобкент, Жондор, Когон туманларидаги фермер хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 1 декабрдаги №02/023-4904-сонли маълумотномаси). Натижада меҳнат сарфи 7,69 фоизга, эксплуатацион харажатлар 11,81 фоизга ҳамда ҳар бир гектар ер ҳисобига 14,3% ёнилғи тежалган.

Такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плугни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари ва ҳисоблаш усуллари “ВМКВ-Agromash” АЖда лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 1 декабрдаги №02/023-4904-сонли маълумотномаси). Натижада такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плугни ишлаб чиқариш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та фойдали моделга патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Масаланинг қўйилиши ва тадқиқот ишининг мақсади**» деб номланган биринчи бобида Республикаміз шароитида

тупроққа асосий ишлов бериш усуллари ва уларни амалга оширадиган техника воситалари, тупроқчуқурлаткичли плуглар ва чуқурюмшаткичларнинг конструкциялари ва технологик иш жараёнлари таҳлили, тупроқчуқурлаткичли плуглар ва чуқурюмшаткичларни такомиллаштириш ва энергия сарфини камайтириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳамда улар бўйича патентлар таҳлил этилган ва улар асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.


Диссертациянинг «**Тупроққа асосий ишлов бериш даврида унинг физик-механик ва технологик хоссаларини ўрганиш**» деб номланган иккинчи бобида далалар тупроғининг физик-механик хоссалари (намлиги, қаттиқлиги, зичлиги) ва шудгорлашда эгат тубини плуг корпуслари ҳамда трактор ғилдираклари томонидан зичланишини ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ўтказилган тадқиқотларнинг таҳлили ерларни шудгорлаш даврида пахта, буғдой ва такрорий экинлардан бўшаган ҳамда беда экилган майдонларда 0-50 см қатламдаги тупроқ намлиги 6,95-23,17 % оралиғида, қаттиқлиги 0,76-5,45 МПа оралиғида, зичлиги 1,15-1,87 g/cm³ оралиғида бўлишини ҳамда лемех таъсири остида шудгор ости тупроғининг 0-10 см қатлами ва плугнинг охириги корпусидан ҳосил бўлган эгат туби тупроғининг 0-15 см қатлами трактор ғилдираклари ўтиши натижасида зичланишини кўрсатди.

Диссертациянинг «**Тупроқчуқурлаткичли плугнинг иш жараёнини такомиллаштириш ва параметрларини назарий асослаш**» деб номланган учинчи бобида тупроқчуқурлаткичли плугнинг конструктив схемасини ишлаб чиқиш ва унинг параметрларини асослашга доир назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили асосида ишлаб чиқилган иш жараёни такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плуг (1-расм) рама 1, унга ўрнатилган осиш қурилмаси 2, корпуслар 3, тупроқчуқурлаткичлар 4 ҳамда таянч ғилдирак 5 дан ташкил топган бўлиб, қуйидагилар унинг энергетик ва агротехник иш кўрсаткичларига таъсир этадиган асосий параметрлари

ҳисобланади: тупроқчуқурлаткичнинг тури; α_u – тупроқчуқурлаткичнинг тупроққа кириш бурчаги, °; β_u – тупроқчуқурлаткичнинг кўндаланг-тик текисликда горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги, °; B_u – тупроқчуқурлат-



1-расм. Такимилаштирилган тупроқчуқурлаткичли плугнинг конструктив схемаси ва асосий параметрлари

кичнинг эни, m; L_u – тупроқчуқурлаткич ишчи сиртининг узунлиги, m; S_1 – тупроқчуқурлаткичдан унинг орқасида жойлашган корпусгача бўлган бўйлама масофа, m; S_2 – тупроқчуқурлаткичдан унинг олдида жойлашган корпусгача бўлган бўйлама масофа, m; H_1 – тупроқчуқурлаткичли плугнинг таянч текислигидан унинг пастки осиш нуқтасигача бўлган тик масофа, m; H_2 – тупроқчуқурлаткичли плуг осиш қурилмасининг пастки ва юқори осиш нуқталари орасидаги тик масофа, m; V – тупроқчуқурлаткичли плугнинг иш жараёнидаги ҳаракат тезлиги, m/s.

Тупроқчуқурлаткичнинг тури. Илгари бажарилган тадқиқотлар асосида иш жараёни такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плугга ўрнатиш учун исканасимон кўринишдаги тупроқчуқурлаткични қабул қилиб олинди. Чунки бундай тупроқчуқурлаткич ўқёйсимон панжа кўринишдаги тупроқчуқурлаткичларга нисбатан содда конструкция ва кам энергия-материалҳажмдорликка эга, қайтадан плуг “товонини” ҳосил қилмайди.

Дала тахталарига тушаётган босим кучини ва демак, тортишга қаршилиқни камайтириш мақсадида технологик жараёни такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плугда исканасимон тупроқчуқурлаткичларнинг ишчи сиртлари кўндаланг-тик текисликда дала тахталари томонга қаратилиб горизонтга нисбатан маълум бурчак остида ўрнатилади. Бунда дала тахталарининг эгат деворларига босими ва демак плугнинг тортишга қаршилиги камаяди.

Исканасимон тупроқчуқурлаткичнинг тупроққа кириш ва кўндаланг тик текисликда горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчакларини тупроқнинг сифатли майдаланилиши ва энергия сарфи камайиши таъминланиши шартларидан келтириб чиқарилган қуйидаги ифодалардан фойдаланиб аниқланди:

$$\alpha_u = \arcsin \left\{ \left\{ -\sin(\varphi_1 + \varphi_2) + \sqrt{\sin^2(\varphi_1 + \varphi_2) + \left[2 + \frac{1}{2} \cos(\varphi_1 + \varphi_2) \right] \left[1 + \cos(\varphi_1 + \varphi_2) \right]} \right\} : \left[2 + \frac{1}{2} \cos(\varphi_1 + \varphi_2) \right] \right\} \quad (1)$$

ва

$$\beta_u < \varphi_1, \quad (2)$$

бунда φ_1 – тупроқнинг ташқи, яъни металлга ишқаланиш бурчаги, °; φ_2 – тупроқнинг ички, яъни тупроққа ишқаланиш бурчаги, °. $\varphi_1 = 30-35^\circ$ ва $\varphi_2 = 35-45^\circ$ қабул қилиниб, (1) ва (2) ифодалар бўйича исканасимон тупроқчуқурлаткичнинг тупроққа кириш бурчаги $24^\circ 30' - 29^\circ 24'$ оралиғида, кўндаланг-тик текисликда горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги кўпи билан 30° бўлиши лозимлиги аниқланди.

Исканасимон тупроқчуқурлаткичнинг эни ва ишчи сиртининг

узунлигини тупроқчуқурлаткич томонидан ишлов берилаётган тупроқ қатламнинг тўлиқ юмшатилиши таъминланиши, яъни ишлов берилган қатламнинг тубида деворлари зичланган эгат ҳосил бўлмаслиги шартларидан келтириб чиқарилган қуйидаги ифодалар бўйича аниқланди:

$$B_u \geq \frac{(m + ctg \alpha_u) h_u}{0,1 \frac{T_3}{\kappa_c} (1 + 3ctg(\alpha_u + \varphi_1)) - \kappa} \quad (3)$$

ва

$$L_u \geq \frac{2\sqrt{2}}{\cos \frac{1}{2}(\alpha_u + \varphi_1 + \varphi_2)} \times \left\{ \kappa_c \left[\frac{m + ctg \alpha_u}{0,1 \frac{T_3}{\kappa_c} (1 + 3ctg(\alpha_u + \varphi_1)) - \kappa} + tg \left(\frac{\pi}{4} - \frac{\varphi_2}{2} \right) \right] \cos \varphi_1 \cos \varphi_2 \cos \frac{1}{2}(\varphi_1 + \varphi_2 - \alpha_u) \right\}^{\frac{1}{2}} h_u : \left[q_0 \frac{(m + ctg \alpha_u) h_u}{0,1 \frac{T_3}{\kappa_c} (1 + 3ctg(\alpha_u + \varphi_1)) - \kappa} \sin \alpha_u \cos(\varphi_1 + \varphi_2 - \alpha_u) \right]^{\frac{1}{2}}, \quad (4)$$

бунда m , κ – тупроқнинг физик-механик хоссаларига боғлиқ бўлган ўлчов бирликсиз коэффициентлар; h_u – тупроқчуқурлаткичнинг ишлов бериш чуқурлиги, м; T_3 – тупроқнинг эзилишга солиштирма қаршилиги, Ра; κ_c – тупроқнинг силжишга критик қаршилиги, Ра; q_0 – тупроқнинг ҳажмий эзилиш коэффициенти, N/m^3 .

$m = 4,2$, $T_3 = 2,0 \cdot 10^6$ Ра, $\kappa_c = 1,9 \cdot 10^4$ Ра, $\varphi_1 = 30^\circ$ ва $\varphi_2 = 40^\circ$, $\kappa = 2,5$, $q_0 = 3 \cdot 10^6$ N/m^3 , $\alpha_u = 30^\circ$ ва $h_u = 0,15$ м қабул қилиниб, (3) ва (4) ифодалар бўйича исканасимон тупроқчуқурлаткичларнинг эни ва ишчи сиртининг узунлиги мос равишда камида 5,7 ва 13,2 см бўлиши лозимлиги аниқланди.

Тупроқчуқурлаткичдан унинг орқасида жойлашган корпусгача бўлган бўйлама масофа иш жараёнида унинг ағдаргичидан отилаётган тупроқ бўлаклари тупроқчуқурлаткичга етиб бормаслиги шартдан фойдаланиб қуйидаги ифода бўйича аниқланди:

$$S_1 \geq \eta \frac{V}{g} \left\{ \sqrt{2} \left[V \cos \frac{\gamma_k}{2} \sqrt{(1 - \cos \gamma_k)} + \sqrt{V^2 \cos^2 \frac{\gamma_k}{2} (1 - \cos \gamma_k) + gH} \right] \right\} + L_u \cos \alpha_u, \quad (5)$$

бунда γ_k – плуг корпуси лемехининг эгат деворига нисбатан ўрнатилиш бурчаги, $^\circ$; g – эркин тушиш тезланиши, m/s^2 ; H – тупроқ бўлаги ағдаргичдан тушган нуқтадан эгат тубигача бўлган масофа, м; η – ағдаргичдан тушган тупроқ бўлаklarини бирга учишини ҳисобга олувчи коэффициент.

$V = 2 \text{ m/s}$, $g = 9,81 \text{ m/s}$, $\gamma_k = 40^\circ$ ва $H = 0,5-0,6 \text{ m}$ қабул қилиниб, (5) ифода бўйича ҳисоблашлар трактор ғилдираклари орқасига ўрнатилган тупроқчуқурлаткичдан унинг орқасидаги корпусгача бўлган масофа камида 51 см бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Тупроқчуқурлаткичдан унинг олдида жойлашган корпусгача бўлган масофани 2-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб тупроқчуқурлаткичнинг таъсири остида тупроқда юзага келадиган деформацияланиш зонаси плуг корпусигача етиб бормаслиги шартидан аниқлаймиз:

$$S_2 \geq h_u \operatorname{tg} \frac{\alpha_u + \varphi_1 + \varphi_2}{2} + 0,5 B_k \operatorname{ctg} \gamma_k, \quad (6)$$

бунда B_k – плуг корпусининг қамраш кенглиги, м.

$h_u = 0,15 \text{ m}$, $\alpha_u = 30^\circ$, $\varphi_1 = 30^\circ$, $\varphi_2 = 40^\circ$, $B_k = 0,45 \text{ m}$ ва $\gamma_k = 40^\circ$ қабул қилиниб, (6) ифода бўйича тупроқчуқурлаткичдан унинг олдида жойлашган корпусгача бўлган бўйлама масофа камида 0,45 м бўлиши лозимлиги аниқланди.


Исканасимон тупроқчуқурлаткичнинг тортишга қаршилиги унинг кўндаланг-тик текисликда горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчагини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги ифода бўйича аниқланди:

$$R_u = B_u \left\{ \left[\frac{T t_u}{\sin \gamma_u} + \kappa_c \frac{h_u}{\cos \frac{1}{2}(\varepsilon_u + \varphi_1 + \varphi_2)} \left[\sin \frac{1}{2}(\varepsilon_u + \varphi_1 + \varphi_2) + \operatorname{tg} \varphi_1 \cos \frac{1}{2}(\varphi_1 + \varphi_2 - \varepsilon_u) \right] \right] + \right. \\ \left. + h_u B_u \rho \left\{ L_u g \frac{\sin \varepsilon + \operatorname{tg} \varphi_1 (\cos \gamma_u \operatorname{ctg} \gamma_u + \sin \gamma_u \cos \varepsilon_u)}{\cos \varepsilon - \operatorname{tg} \varphi_1 \sin \gamma_u \sin \varepsilon_u} \right\} + \right. \\ \left. + V^2 \frac{\sin^2 \gamma_u [\sin \varepsilon + \operatorname{tg} \varphi_1 \sin \gamma_u (\operatorname{ctg}^2 \gamma_u + \cos \varepsilon_u)]}{\operatorname{ctg} \varepsilon_u - \operatorname{tg} \varphi_1 \sin \gamma_u} \right\} \times \left(1 + \frac{W}{100} \right), \quad (7)$$

бунда R_u – исканасимон тупроқчуқурлаткичнинг тортишга қаршилиги, N; T – исканасимон тупроқчуқурлаткич ишлов бераётган тупроқ қатламининг қаттиқлиги, Pa; t_u – исканасимон тупроқчуқурлаткич тиғининг қалинлиги, м;

$\gamma_u = \operatorname{arctg}(\sin \alpha_u \operatorname{ctg} \beta_u)$; $\varepsilon_u = \operatorname{arctg} \frac{\operatorname{tg} \alpha_u}{\sin [\operatorname{arctg}(\sin \alpha_u \operatorname{ctg} \beta_u)]}$; ρ – исканасимон

тупроқчуқурлаткич ишлов бераётган тупроқ қатламининг зичлиги, kg/m^3 ; g – эркин тушиш тезланиши, m/s^2 ; W – тупроқнинг намлиги %.



2-расм. Тупроқчуқурлаткичдан унинг олдида жойлашган корпусгача бўлган масофани аниқлашга доир схема

$B_u=0,057$ m, $T = 5 \cdot 10^6$ Pa, $t = 0,001$ m, $\kappa_c = 3 \cdot 10^4$ Pa, $\alpha_u = 30^\circ$, $\varphi_1 = 30^\circ$, $\varphi_2 = 40^\circ$, $\rho = 1400$ kg/m³, $h_u = 0,15$ m, $g = 9,81$ m/s² ва $W = 14$ % қабул қилиниб ўтказилган ҳисоблар бўйича исканасимон тупроқчуқурлаткичнинг тортишга қаршилиги 10-15 см ишлов бериш чуқурлигида 0,63-1,17 kN ни ташкил этади.

Исканасимон тупроқчуқурлаткичнинг тиғидан плугнинг пастки осиш нуқтасигача бўлган тик масофа исканасимон тупроқчуқурлаткичлар билан жиҳозланган плуг белгиланган чуқурликка ботиб ишлаши ва шу чуқурликда бир текис юриши таъминланишидан келиб чиқиб аниқланди. Бунинг учун қуйидаги шарт бажарилиши лозим

$$N_Z = \left\{ m_n g L_G + R_{XZ}^n \left(\left(e_n + \frac{n_k - 1}{2} L_n + \frac{\rho_{XZ}^n}{\sin \psi_{XZ}^n} \right) \sin \psi_{XZ}^n - (H_1 - h_u) \cos \psi_{XZ}^n \right) - \right. \\ \left. - F_X^n (H_1 - 0,5b_d) + R_{XZ}^u \left(e_n - S_1 + \frac{n_u - 1}{2} L_u + \rho_{XZ}^u \operatorname{ctg} \alpha_u \right) \sin \psi_{XZ}^u - R_{XZ}^u (H_1 - \rho_{XZ}^u) \cos \psi_{XZ}^u + \right. \\ \left. + (m_n g + R_{XZ}^n \sin \psi_{XZ}^n + R_{XZ}^u \sin \psi_{XZ}^u) \times \right. \\ \left. \times \frac{H_2 \sqrt{L_m^2 - (H_3 + h - H_1)^2} \left[\sqrt{L_m^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right]}{(H_2 - Z_B) \sqrt{L_m^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} - \right. \\ \left. - (R_{XZ}^n \cos \psi_{XZ}^n + F_X + R_{XZ}^u \cos \psi_{XZ}^u) \times \right. \\ \left. \times \frac{H_2 (H_3 + h - H_1) \left[\sqrt{L_m^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right]}{(H_2 - Z_B) \sqrt{L_m^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} \right\} : \\ : \left[L_N + \frac{H_2 \sqrt{L_m^2 - (H_3 + h - H_1)^2} \left[\sqrt{L_m^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right]}{(H_2 - Z_B) \sqrt{L_m^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} + \right. \\ \left. + \mu \left(H_1 - h_u - h_n - 0,5d_T + \frac{H_2 (H_3 + h - H_1) \left[\sqrt{L_m^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right]}{(H_2 - Z_B) \sqrt{L_m^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} \right) \right] > 0, \quad (8)$$

бунда N_Z – тупроқчуқурлаткичли плугнинг таянч ғилдирагига тупроқ томонидан таъсир этаётган реакция кучи N нинг тик ташкил этувчиси; m_n – плугнинг массаси, kg; X_π , Z_π – мос равишда тупроқчуқурлаткичли плугнинг пастки осиш нуқталаридан унинг бўйлама-тик текисликдаги оний айланиш марказигача бўлган горизонтал ва тик масофалар, m; L_G – тупроқчуқурлаткичли плугнинг пастки осиш нуқталаридан унинг оғирлик марказигача бўлган горизонтал масофа, m; R_{XZ}^n – бўйлама-тик

текисликда тупроқчуқурлаткичли плугнинг лемехлари ва ағдаргичларига таъсир этувчи кучларнинг тенг таъсир этувчиси, N ; e_n – тупроқчуқурлаткичли плугнинг пастки осиш нуқталаридан унинг биринчи корпуси лемехининг учигача бўлган бўйлама масофа, m ; n_k, n_u – мос равишда тупроқчуқурлаткичли плугга ўрнатилган корпуслар ва тупроқчуқурлаткичлар сони, dona; L_k, L_u – мос равишда тупроқчуқурлаткичли плугнинг корпуслари ва тупроқчуқурлаткичлари орасидаги бўйлама масофалар, m ; ρ_{xz}^n – тупроқчуқурлаткичли плугнинг ўрта (шартли ўрта) корпуси лемехининг учидан R_{xz}^n кучнинг таъсир чизиғигача бўлган масофа, m ; ψ_{xz}^n – R_{xz}^n кучнинг горизонталга нисбатан йўналиш бурчаги, $^\circ$; F_{xz} – тупроқчуқурлаткичли плугнинг дала тахталарига таъсир этувчи ишқаланиш кучларининг тенг таъсир этувчиси, N ; b_d – тупроқчуқурлаткичли плуг дала тахталарининг кенглиги, m ; R_{xz}^u – бўйлама-тик текисликда тупроқчуқурлаткичли плугнинг тупроқчуқурлаткичларига таъсир этувчи кучларнинг тенг таъсир этувчиси, kN ; ρ_{xz}^u – тупроқчуқурлаткичли плугнинг ўрта (шартли ўрта) тупроқчуқурлаткичи исканасининг учидан R_{xz}^u кучнинг таъсир чизиғигача бўлган масофа, m ; ψ_{xz}^u – R_{xz}^u кучнинг горизонталга нисбатан йўналиш бурчаги, $^\circ$; L_N – плуг пастки осиш нуқталаридан у таянч ғилдирагининг айланиш ўқигача бўлган бўйлама масофа, m ; d_T – тупроқчуқурлаткичли плуг таянч ғилдирагининг диаметри, m ; L_m – трактор пастки тортқиларининг узунлиги, m ; X_B, Z_B – трактор осиш механизми пастки ва марказий тортқиларининг кўзгалмас шарнирлари орасидаги бўйлама ва тик масофалар, m ; H_3 – тракторнинг таянч текислигидан у осиш механизми пастки тортқиларининг кўзгалмас шарнирларигача бўлган тик масофа, m ; h – тупроқчуқурлаткичли плугнинг умумий ишлов бериш чуқурлиги, m .

(8) ифода бўйича исканасимон тупроқчуқурлаткичнинг тиғидан плугнинг пастки осиш нуқтасигача бўлган тик масофа камида 61,8 см бўлиши лозимлиги аниқланди.



Диссертациянинг «**Тажрибавий тадқиқотларни ўтказиш усуллари ва уларнинг натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган исканасимон тупроқчуқурлаткичлар билан жиҳозланган плуг параметрларининг мақбул қийматларини асослаш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Бунда дастлаб исканасимон тупроқчуқурлаткич параметрларини тупроқнинг уваланиш сифати, унинг иш жараёнида ҳосил бўладиган деворлари зичланган эгатнинг баландлиги, ишлов бериш чуқурлиги ҳамда тупроқчуқурлаткич ва плугнинг тортишга қаршиликларига таъсири ўрганилди.

3-расм ва 1-жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, исканасимон тупроқчуқурлаткичлар билан жиҳозланган плуг талаб даражасидаги иш кўрсаткичларига эга бўлиши учун, яъни тупроқнинг уваланиш даражаси (ўлчами 50 mm дан кичик бўлган тупроқ фракциялари

миқдори) 80% дан юқори ва тортишга қаршилиги минимал қийматга эга бўлиши учун тупроқчуқурлаткич исканасининг тупроққа кириш бурчаги $30^{\circ}40' - 33^{\circ}25'$ оралиғида, унинг кўндаланг-тик текисликда горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги $25-30^{\circ}$ оралиғида бўлиши лозим.

4-расмда келтирилган маълумотлар асосида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

– юмшатирилган қатлам тубида ҳосил бўладиган деворлари зичланган эгатнинг баландлиги минимал ёки унинг умуман бўлмаслиги учун искананинг



a)

b)

1, 2 – ҳаракат тезлиги 6 ва 8 km/h

3-расм. Тупроқнинг уваланиш даражаси (a) ва тупроқчуқурлаткичнинг тортишга қаршилиги (b) ни унинг исканасининг тупроққа кириш бурчагига боғлиқ равишда ўзгариш графиклари


1-жадвал

Тупроқчуқурлаткич исканасининг кўндаланг-тик текисликда горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчагини плугнинг иш кўрсаткичларига таъсири

Т/р	Кўрсаткичларнинг номи	Кўрсаткичларнинг қиймати									
		Искананинг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги, °									
		0		10		20		30			
		Агрегат ҳаракат тезлиги, km/h									
6		8		6		8		6		8	
1	Ишлов бериш чуқурлиги, см $M_{\text{ўр}}$ $\pm\sigma$	42,1	42,3	42,9	43,0	44,1	44,7	45,7	45,8		
		1,14	1,32	1,08	1,02	1,02	1,08	1,20	1,14		
2	Қуйидаги ўлчамли (mm) фракцияларнинг миқдори, % >100 100-50 <50	6,2	5,8	5,6	4,7	5,2	4,8	5,1	4,8		
		15,7	15,5	14,8	13,4	12,9	11,7	13,8	12,5		
		78,1	78,7	79,6	81,9	81,9	83,5	81,1	82,7		
3	Плугнинг тортишга қаршилиги, kN	31,7	32,74	30,77	31,45	29,60	30,12	29,24	29,70		

эни 60 mm дан кам бўлмаслиги лозим, чунки бу шарт бажарилмаганда деворлари зичланган эгатнинг баландлиги сезиларли бўлиб, ишлов берилган қатламнинг тўлиқ юмшатилиши таъминланмайди, натижада тупроқнинг физик-механик хоссалари ёмонлашади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, тезликни 6,0 km/h дан 8,0 km/h гача ортиши деворлари зичланган эгат баландлигига сезиларли таъсир кўрсатмади;

– тупроқчуқурлаткич исканаси энининг ортиши тупроқнинг уваланиш сифатини ёмонлашувига, яъни ишлов берилган қатламда ўлчами 100 mm дан катта ва 100-50 mm оралиқда бўлган кесаклар (фракциялар) миқдорини кўпайиши, ўлчами 50 mm дан кичик бўлган фракциялар миқдорини эса камайишига олиб келган. Буни искана эни ошиши билан тупроқнинг деформацияланиш зонаси кенгайиб, катта кесакларни ҳосил бўлиш эҳтимоли ортиши билан изоҳлаш мумкин. Ҳаракат тезлиги ортиши билан тупроқ уваланиш сифатининг яхшиланиши кузатилди;



1, 2 – ҳаракат тезлиги 6 ва 8 km/h


4-расм. Деворлари зичланган эгат баландлиги (а), тупроқнинг уваланиш даражаси (б) ва тупроқчуқурлаткичнинг тортишга қаршилиги (в) ни унинг исканаси эни (В) га боғлиқ равишда ўзгариш графиклари

– тупроқчуқурлаткич исканасининг эни ортиши билан ҳар иккала тезликда ҳам унинг тортишга қаршилиги ортган.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиққан ҳолда, юмшатирилган қатлам тубида ҳосил бўладиган деворлари зичланган эгатнинг баландлиги, тупроқнинг уваланиш сифати агротехник талаблар даражасида ҳамда тортишга қаршилиқ минимал бўлишига эришиш учун тупроқчуқурлаткич исканасининг эни 60 mm дан кам бўлмаслиги лозим.

5-расмда келтирилган натижалардан кўришиб турибдики, тупроқчуқурлаткич томонидан тупроққа сифатли ишлов берилишини таъминлаш учун искананиннг узунлиги 125 mm дан кам бўлмаслиги керак, чунки бундан кам бўлганда эгат тубида деворлари зичланган эгат ҳосил бўлиб, ишлов берилган қатлам тўлиқ юмшатилмади.

Тупроқчуқурлаткич исканасининг узунлигини 12,5 cm дан 15 cm гача ошиши тупроқнинг уваланиш сифатини яхшиланишига, иш органининг тортишга қаршилигини ортишига олиб келган. Бу кўрсаткичлар тупроқчуқурлаткич исканасининг узунлиги 15 cm дан 17,5 cm гача ортганда кам ўзгарган.



1, 2 – ҳаракат тезлиги 6 ва 8 km/h

5-расм. Деворлари зичланган эгат баландлиги (а), тупроқнинг уваланиш даражаси (б) ва тупроқчуқурлаткичнинг тортишга қаршилиги (в) ни унинг исканаси узунлиги (L) га боғлиқ равишда ўзгариш графикалари

Демак, тажрибаларда олинган маълумотларга биноан, юмшаткич иш сиртининг узунлиги 125 mm дан кам бўлмаслиги талаб этилади. Бу назарий тадқиқотлар натижаларига мос келади.

Ўтказилган тажрибалар тупроқчуқурлаткичнинг тортишга қаршилиги минимал бўлиши ҳамда талаблар даражасидаги иш сифатини таъминлаши учун плуг корпуси ва уни орқасига ўрнатилган тупроқчуқурлаткич орасидаги бўйлама масофа 45 см атрофида ҳамда ғилдирак изи ортидаги тупроқчуқурлаткич ва биринчи корпус орасидаги бўйлама масофа 50-55 см оралиғида бўлиши лозим.

Такмиллаштирилган исканасимон тупроқчуқурлаткичли плугнинг назарий ва бир омилли экспериментларда ўрганилган параметрларининг мақбул қийматларини аниқлаш учун Хартли-4 режаси бўйича кўп омилли экспериментлар ўтказилди.

Тадқиқотларни ўтказишда тупроқчуқурлаткич исканасининг тупроққа кириш бурчаги, эни ва узунлиги ҳамда агрегат иш тезлиги унинг сифат ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинди.

2-жадвалда омилларнинг шартли белгиланишлари, вариацияланиш оралиқлари ва сатҳи келтирилган.

2-жадвал

Омиллар, уларнинг шартли белгиланиши, вариацияланиш оралиғи ва сатҳи

Омиллар	Омилларнинг				
	кодланган белгиси	ўзгариш оралиғи	сатҳлари		
			қуйи (-1)	асосий (0)	юқори (+1)
1. Тупроқчуқурлаткич исканасининг тупроққа кириш бурчаги, °	X ₁	5	25	30	35
2. Тупроқчуқурлаткич исканасининг эни, mm	X ₂	10	50	60	70
3. Тупроқчуқурлаткич исканасининг узунлиги, mm	X ₃	25	125	150	175
4. Агрегат ҳаракат тезлиги, km/h	X ₄	1	6	7	8

Тажриба натижаларига белгиланган тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

- ишлов берилган қатлам тубида ҳосил бўладиган деворлари зичланган эгат чуқурлиги бўйича (Y_1 , см):

$$Y_1 = 0,897 - 0,012X_1 - 0,550X_2 - 0,305X_3 - 0,473X_4 - 0,237X_1^2 - 0,011X_1X_2 + 0,036X_1X_3 - 0,040X_1X_4 + 0,337X_2^2 + 0,153X_2X_3 + 0,031X_2X_4 + 0,182X_3^2 + 0,174X_3X_4 + 0,273X_4^2 \quad (9)$$

- тупроқчуқурлаткичнинг тортишга қаршилиги бўйича (Y_2 , kN):

$$Y_2 = 0,949 - 0,027X_1 + 0,088X_2 + 0,047X_3 + 0,067X_4 + 0,041X_1^2 + 0,018X_1X_2 + 0,018X_1X_3 - 0,018X_1X_4 - 0,007X_2^2 - 0,022X_2X_3 + 0,020X_2X_4 - 0,046X_3^2 + 0,020X_3X_4 + 0,028X_4^2 \quad (10)$$

Регрессия тенгламалари MS Excel ва Planex дастурлари бўйича Y_1 мезон, яъни ишлов берилган қатлам тубида ҳосил бўладиган деворлари зичланган эгат чуқурлиги 1,5 см дан кичик бўлиши, Y_2 мезон, яъни тупроқчуқурлаткичнинг тортишга қаршилиги минимал бўлиши шартларидан ечилиб, 6,0-8,0 km/h иш тезлигида омиллар қўйидаги мақбул қийматларга эга бўлиши лозимлиги аниқланди: тупроқчуқурлаткич исканасининг тупроққа кириш бурчаги 32-34°, эни 6,1-6,3 см ва узунлиги 162-167 mm.

Диссертациянинг «**Такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плугнинг синовлари натижалари ва ундан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган бешинчи бобида ишлаб чиқилган такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плуг тажриба нусхасининг қисқача техник тавсифи, дала синовлари натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Синовларда ишлаб чиқилган такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плуг белгиланган жараёни ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари унга қўйилган талабларга тўлиқ мос бўлди. Ишлаб чиқилган исканасимон тупроқчуқурлаткичлар билан жиҳозланган плугнинг техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ўтказилган ҳисоблар шуни кўрсатадики, ишлаб чиқилган тупроқчуқурлаткичли плуг қўлланилганда 1 гектар майдонга сарфланадиган тўғридан-тўғри харажатлар 11,81 фоизга, меҳнат сарфи 7,69 фоизга камаяди. Бунда битта тупроқчуқурлаткичли плугга йиллик иқтисодий самара 10355868 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

«Тупроқчуқурлаткичли плугнинг иш жараёнини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қўйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ерларга асосий ишлов беришда қўлланиладиган техник воситалар конструкцияларининг таҳлили ҳамда улар иш жараёнларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг таҳлиliga кўра, шудгорлаш билан бир вақтда ҳайдов ости қатламини юмшатишга мўлжалланган исканасимон тупроқчуқурлаткичли плугларни ишлаб чиқиш

тупроққа ишлов бериш сифати ва унумини оширади ҳамда энергия сарфини камайтириш имконини беради.

2. Шудгор ости тупроғининг 0-10 см қатлами лемехлар таъсирида ҳамда плугнинг охириги корпусидан ҳосил бўлган эгат туби тупроғининг 0-15 см қатлами эса трактор ғилдираклари таъсири остида сезиларли зичлашади. Бу ўсимлик илдизларини ривожланиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатади ҳамда уни бартараф этиш долзарб масала ҳисобланади.

3. Исканасимон тупроқчуқурлаткичнинг тупроққа кириш ва кўндаланг-тик текисликда горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчакларини 25° - 30° бўлиши тупроқнинг сифатли майдаланиши ва энергия сарфи камайишини таъминлаш имконини беради.

4. Тупроқчуқурлаткичнинг эни ва ишчи сиртининг узунлиги мос равишда камида 5,7 ва 13,2 см бўлиши шудгор ости тупроқ қатламини тўлиқ юмшатилишини таъминлайди.

5. Тупроқчуқурлаткичнинг орқасига жойлашган корпусгача бўлган бўйлама масофа 50-55 см ҳамда тупроқчуқурлаткичдан унинг олдида жойлашган корпусгача бўлган бўйлама масофани 45 см бўлиши кам энергия сарф қилган ҳолда технологик жараёни ишончли бажарилишини таъминлайди.

6. Агрегатнинг 6-8 км/ҳ ҳаракат тезликларида тупроқчуқурлаткич исканасининг тупроққа кириш бурчаги 32 - 34° , эни 61-63 мм ва узунлиги 162-167 мм бўлиши талаб даражасидаги иш сифатини таъминлаш имконини беради.

7. Ишлаб чиқилган такомиллаштирилган тупроқчуқурлаткичли плугни қўллаш амалдаги плугга нисбатан меҳнат сарфини 7,69 фоизга, тўғридан-тўғри харажатларни 11,81 фоизга камайтириш ва битта плугдан йилига 10355868 сўм иқтисодий самара олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРШИНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ЭКОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**БУХАРСКИЙ ИНСТИТУТ УПРАВЛЕНИЯ ПРИРОДНЫМИ
РЕСУРСАМИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ТАШКЕНТСКОГО ИНСТИТУТА ИНЖЕНЕРОВ
ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

ХАСАНОВ УЛУГ ИБРОХИМОВИЧ

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССА РАБОТЫ
ПОЧВОУГЛУБИТЕЛЬНОГО ПЛУГА И ОБОСНОВАНИЕ ЕГО
ПАРАМЕТРОВ**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.1.PhD/T2206.

Диссертация выполнена в Бухарском институте управления природными ресурсами при национальном исследовательском университете Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице www.qmtii.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Тухтакузиев Абдусалим
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Равшанов Хамрокул Амиркулович
доктор технических наук, доцент

Гайбуллаев Бурхонжон Шерматжонович
доктора философии по техническим наукам,
старший научный сотрудник

Ведущая организация: АО «ВМКВ-Agromash»

Защита диссертации состоится «25» Марта 2022 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD 03/30 06 2020.T 111 02 при Каршинском инженерно-экономическом институте (Адрес: 180100, г. Карши ул. Муस्ताкилик, 225. Тел: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: qmtii@qmtii.uz, kiet.info@edu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского инженерно-экономического института (регистрационный номер 20). Адрес: 180100, г. Карши ул. Муस्ताкилик, 225. Тел: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: qmtii@qmtii.uz, kiet.info@edu.uz.)

Автореферат диссертации разослан «12» Марта 2022 года
(Протокол рассылки № 10 «12» Марта 2022 года)



Ф.М.Маматов

Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

Д.Ш.Чушинов

Учредитель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., доцент

З.Л.Батиров

д.т.н., доцент научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире энерго- и ресурсосбережение является важным вопросом при создании новых сельскохозяйственной техники и технологий, а также совершенствовании существующей техники. «Если учесть, что ежегодно во всем мире под выращивание различных сельскохозяйственных культур обрабатывается более 1,8 млрд. га площадью»¹, то разработка энерго-ресурсосберегающих почвообрабатывающих машин и орудий с высоким качеством работы и производительности считается одной из важных задач. В связи с этим большое внимание уделяется разработке плугов, выполняющих вспашку с одновременным рыхлением подпахотного слоя почвы. Определенный прогресс в этом направлении достигнут в развитых зарубежных странах, в том числе в США, Германии, Нидерландах, Англии, Италии, Российской Федерации, Белоруссии, Украине и других².

Во всем мире проводятся научно-исследовательские работы по разработке новых научно-технических основ плугов, осуществляющих вспашку полей с одновременным рыхлением подпахотного слоя почвы, на которых выращиваются сельскохозяйственные культуры. В этом направлении, в частности, актуальным является разработка энерго-ресурсосберегающих плугов с почвоуглубителями с усовершенствованным технологическим процессом, высоким качеством работы и производительности для вспашки почв из-под сельскохозяйственных культур с одновременным рыхлением подпахотного слоя почвы.

В результате коренных реформ в сельском хозяйстве, глубоких структурных преобразований в Узбекистане проводится значительная работа по созданию перспективных агротехнологий для получения обильных и качественных урожаев сельскохозяйственных культур, их модернизации, сбережения ручного труда и ресурсов, внедрению технических средств поддержания плодородия почв и качества работы. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусматривается в частности «модернизация и интенсивное развитие сельского хозяйства, дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»³. В решении этих задач большое значение имеет качественная обработка почвы и обеспечение

¹ http://evdemosfera.narod.ru/issl/issl/ek_zemlia.html

² www.agroru.com/blog/novinki_agromislenного_kompleksa

³ Указ Президента Республики Узбекистан, № УП 4947 от 07 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

энергосбережения за счет разработки усовершенствованных плугов с почвоуглубителями.

